

Kulmatov Primkul Melikuziyevich

Associate Professor of Jizzakh Polytechnic Institute

**SPECIFIC ASPECTS OF PERSONAL SPIRITUAL PERSONAL
DEVELOPMENT.**

Abstract. The article describes the content of spiritual maturity, specific aspects of its formation.

Key words: spirituality, human, ethics, science and technology, spiritual perfection.

**ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ РИВОЖИНИНГ ЎЗИГА ХОС
ЖИҲАТЛАРИ.**

Кулматов Примкул Меликузиевич

Жиззах политехника институти доценти

Аннотация. Мақолада маънавий камолот мазмуни, уни шакллантиришнинг ўзига хос жихатлари ифодаланган.

Калит сўзлар: маънавият, инсон, ахлоқ, фан ва техника, маънавий камолот.

Маънавият ва жамият бир-бири билан диалектик боғлиқ ва жамият маънавиятсиз бўлмаганидек, маънавият ҳам жамиятсиз юзага келиши, мумкин эмас.

Маънавият инсонга ўзига хос бетакрор моҳият, имконият бахш этиб, жамият аъзоларини бирлаштириб, уюштириб туради, у шахснинг, инсоннинг халқнинг, давлатнинг, жамиятнинг кучи ва қудратидир. “Биз кейинги пайтда, минг афсуски, «маънавият» тушунчасининг обрўйини тушириб юбордик. Маънавиятга гўёки кераксиз нарсасиз муносабатда бўлдик. Бугун кўпчилик ёшлар онгини истеъмолчилик кайфияти, Ватан, эл-юрт тақдирига бепарволик, «оммавий маданият» кўринишлари эгаллаб олмоқда. Ўзингиз айтинг, ўз халқининг тарихини, маънавий ва диний қадриятларини ҳурмат қилмайдиган,

уларни ҳимоя қилишга қодир бўлмаган одам ватанпарвар ва элпарвар бўлиши мумкинми?" [1].

Исоннинг моҳияти унинг жисмоний борлиғи билан эмас, балки маънавияти билан белгиланиб, маънавиятсиз инсон бўлмагандек, маънавиятдан ҳоли бўлган маърифатли, ривожланган жамият ҳам бўлмайди.

Чунки кишилар онгида янгича фикрлаш бўлмаса, яъни фуқаролар дунёқарашида тафаккурида янги дунёқарашни шакллантирмай туриб, сиёсий-иқтисодий амалга ошиши қийин кечади ва режалаштирилган мақсадларга эришиш қийин кечади.

Ҳар бир жамиятнинг маънавияти исон камолотининг у ёки бу босқичига хос бўлган иймон ва эътиқоди, ахлоқ-одоби, тажриба ва малакасини ўз ичига олди ва кишилар фаолияти, истеъдоди, қобилияти, юриш-туришида, намоён бўлади. Кишиларнинг маънавий фазилатлари, дунёқараши, мафкуравий эътиқоди билан боғланиб муайян тартибга тушади ва уларнинг бевосита таъсири натижасида жамият олдидаги вазифаларини анчлашга ёрдам беради. Мустақиллик шароитида фуқаролар маънавий камолотнинг имкониятлари кенгайди. Мустақиллик барча йўналишларад чуқур, мустаҳкам илдиз отиб бораётган шароитда такомиллашиб, кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган ахлоқий, ҳуқуқий бурч ва маъсулият билан боғланган манфаатлар маънавий камолотининг янги муаммоларини келтириб чиқараверади.

Муаммоларни миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланиб ҳал қилиш маънавий тараққиётнинг асосий омилидир. Маънавий камолот халқнинг тархий, маданий мероси, миллий умуминсоний қадриятларнинг моҳиятини чуқур англаш ва аҳамиятини ҳолисона тушуниш, улардан оқилона фойдаланиш, ривожлантириш билан боғлиқдир. Жамият тараққиёти ва инсон маънавий камолотининг ўзига хос куйидаги томонларини қайд қилиш мумкин. Биринчидан, биринчи Президентимиз И.Каримов таъкидлагандек, маънавият инсон қалибига она сути-ю, ота ўғитлари, авлодлар тажрибаси, жамоатчилик таъсири, маданий мерос, умуминсоний қадриятлар орқали сингади ва ҳаёт

тажрибаси сабоқлари асосида мустаҳкамланиб, унинг шуурига кириб боради. Ирқидан, миллатидан, яшаётган аниқ жуғрофий шаритидан қатъий назар, инсон фарзандларининг барчасида, маънавий камолотнинг субъектив имкониятлари бир хилдир. Лекин шахс яшаётган давр, ижтимоий, сиёсий, маданий шароитлар билан тақозо қилинаётган объектив имкониятлар турлича бўлиши мумкин. Бу ҳам маънавий камолотнинг даражаси ва имкониятларига таъсир этади. Жамият тараққиёти жараёнида турли мамлакатлар ва халқларнинг маънавий камолоти даражаси турлича бўлиши ҳам шу объектив имкониятлар, шароитлар, эҳтиёжлар билан белгиланади.

Иккинчидан, инсон маънавий камолоти жамият тараққиётининг муҳим таркибий қисми, ҳал қилувчи омилдир.

Жамият маънавиятининг доимий равишда тараққий этиб бориши объектив қонуният бўлиб, шахс маънавий камолоти ҳам тарихий жараён ҳисобланиб, унинг ривожланиши учун доимо янги имкониятлар, эҳтиёжлар пайдо бўлаверади.

Ҳар бир тарихий даврда муайян шароитлар, ижтимоий эҳтиёж ва талаблар тақозоси билан маънавиятнинг ривожланиши учун маълум имкониятлар туғилади

Инсон маънавий камолоти асосида адолатга таяниш ётиб, адолатли жамиятда комил инсонни тарбиялашга имкони яратилиб, комил инсонлари жамият тараққиётини таъминлайдиган асосий омил ҳисобланади.

Учинчидан, инсон ақли, ахлоқи такомиллашиб, фан ва техника ютуқларини, жамият тараққиёти тажрибаларини ўрганиб, ўзлаштириб боргани сари маънавий омилларнинг жамият ҳаётига бўлган таъсири тобора ортиб бораверади. Дарҳақиқат, жамиятдаги барча катта-кичик муаммоларнинг моҳияти ва уларнинг истиқболи масалалари даставвал кишилар онгида пишиб этилади, сўнгра турмушга тадбиқ этилади.

Абдулла Авлоний ёзишича, ақл-идрокнинг тантана қилишига ишонмоқ лозим, чунки, “Ақл инсонларни пири комил, муршиди яғонасидир. Рух

ишловчи, ақл бошловчидир. Инсон ақли ила дин ва эътиқодни маҳкам қилур, шариат хукмларига бўйсунди... Расули Акрам Набий саллолох алайхи вассалам шундай деганлар: “Эй инсонлар! Ақлингизга тавозе қилингиз, Сиз жаноби Хақ буюрган ва қайтарган нарсаларни ақлингиз ила билурсиз”[2].

Мутуфаккирлардан бири: “... агар ақлиниг қули нафсининг жиловини ушласа, сени ёмон йўлларга кирмоқдан сақлар ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арзон бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, қиммат баҳо бўлур”-деган. Инсонни улуғлаш, унинг қадрига етиш, айниқса ўсиб кела-ётган ёш авлодни ақл-идрокли, одобли қилиб тарбиялаш, уларни камолотга етказиш соҳасида Республикамизда бир қанча ишларни амалга оширмоқда. Дунё, инсон, ақл-заковат, маънавият- булар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Дунё бунёд бўлибдики, инсон дунё юзини кўрибдики, ўзини инсон сифатида англабдики, у ўзини борлиқнинг энг мукаммал мавжудоти сифатида ақл-заковати билан таниб келади. Инсон онги, тафаккури ва маънавияти туфайли шундай устунликка эгадир. Инсон дунёга маълум бир мақсад билан келмайди. У ўзлигини идрок этгандан сўнг ҳаётда яшашдан маъно излайди ва бу нарса унинг ҳаёти мазмунини ташкил этади.

Инсонлар бор, дунёга келадилару кетадилар, улардан ном-нишон қолмайди, ҳаётнинг маъносига, қадрига етмайдилар. Инсонлар бор - мана шу келиши билан кетиши ўртасидаги "умр" деб аталмиш вақтга чакмоқдай чакнаб, ўзларининг ёрқин изини қолдирадилар. Бу из ўчмасдир. Мана шундай ақл-заковати билан ўзидан кейин яхши от қолдирувчилар маънавий юксак инсонлардир. Маънавий комил инсонгина шундай юксакликка, авлод-аждодлар қалбида замонлар оша, асрлар оша яшашдай шарафга сазовордир. Демак, инсон ўз ҳаёти ва фаолиятини мазмунли ўтказиш учун аввало ўзини ўраб турган борлиқни билши, юксак ақл ва тажриба эгаси бўлиши лозим. Чунки, инсон ақли ва унинг ҳаётида муҳим ўрин тутиш, ақл-идрок туфайлигина инсон донолик, теран фикр, ростгўйлик, тўғрилик, узоқни кўра билиш, нафсининг кўйига тушмаслик каби хусусиятларни амалга ошириш мумкин. Халқимизнинг "Ақл

инсоннинг кўрки, "Ақл сувдан тиниқ, ойнадай равшан" каби нақллар бежиз айтилмаган. Шунинг учун ҳам ақл инсон учун ғоят олий неъматдир. Ақл билан илм-маърифат эгалланади, касб ҳосил қилинади, дунё сирлари ўрганилади. "Ақл- юрак ичидаги нур, бу нур билан ҳақ ёки ноҳақ билиб олинади", "Ақл ўз соҳибини дунё маломатларидан қутқаради". Ақл кишининг ўз иродаси, қалби ва фикри асосида дунёвий, ҳаётий ҳақиқатларни англаш ва уларга ўз фаолиятида маънавий-инсоний нуқтаи- назардан амал қилишдир. Зеро, биринчи президентимиз И.Каримов айтганларидек: "Илм, маърифат биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқолмайди ҳам. Ақл- заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсақкина олдимизга қўйган мақсадларимизга эриша оламиз"[3].

Адабиётлар

1. Ш.Мирзиёев. "Фойдаланилмаётган салоҳият, обрўи тушиб кетган «маънавият» тушунчаси ва ХТВ мавқеи ҳақида" 24.08.2019. <https://kun.uz/53911247>.
2. ААвлоний. "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ". Т. 1991. Б.28.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т. 'Шарқ'. 1998. Б.128.
4. Tajibaev, M. A., & Kholbekova, M. U. (2022). SYNERGETIC METHODOLOGY SERVES HUMANITY. *Scientific progress*, 3(3), 934-937.
5. Abdurashidovich, T. M. (2022). YOSHLARDA SINERGETIK DUNYOQARASHNI SHAKLLANTIRISH OMILLARI. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(3), 203-207.
6. Abdurashidovich, T. M. (2022). SINERGETIKA-YOSHLARNING YANGI DUNYOQARASHINI SHAKLLANTIRUVCHI BILIM SIFATIDA. *FAN, TA'LIM, MADANIYAT VA INNOVATSIYA*, 1(2), 69-73.
7. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). State and community management-as a priority task in the appeal. *INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION*, 2(2), 133-136.
8. Quvanovich, R. Q. (2021). The Moral Importance of Humanity and Patriotism in Chistiya and Kubraviya. *International Journal on Orange Technologies*, 3(3), 98-103.
9. Ruziev, A. J. (2019). ИЗУЧЕНИЕ МИРОВОЗЗРЕНИЯ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЫСЛИТЕЛЕЙ КАК ИСТОРИЧЕСКОГО КРИТЕРИЯ. *Theoretical & Applied Science*, (11), 166-169.
10. Ruziyev, A. (2021). ДУНЁҚАРАШДА ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА ОНГНИНГ ЎЗARO ДЕАЛЕКТИКАСИ. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, (2), 187-193.
11. Ruziyev, A. (2021). ДУНЁҚАРАШДА ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА ОНГНИНГ ЎЗARO ДЕАЛЕКТИКАСИ. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, (2), 187-193.
12. Рўзиев, А. (2020). АМИР ТЕМУР ҚАРАШЛАРИДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҒОЯЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*.

13. Ibodullaevich, K. K., & Mahmatkobil, O. (2022). "Electronic System"-Estonia Is Among the Leaders in The Fight Against Corruption. Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences, 5, 152-155.
14. Ibodullaevich, K. K. (2022, April). In the fight against justice and corruption as an effective road. In E Conference Zone (pp. 370-372).